



ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН ЭКСТРЕМИЗМ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МЕЗОНЛАРИ

Ашуров Отабек Умматиллаевич

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

Тезкор қидирув фаолияти кафедраси ўқитувчиси

E-mail: Ashurovotabekk990@gmail.com

Юлибоев Сарварбек Ғофуржон ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11206958>

ARTICLE INFO

Received: 9th April 2024

Accepted: 11th May 2024

Published: 17th May 2024

KEYWORDS

Экстремизм, радикализм, терроризм, сепаратизм, тезкор бўлинмалар, ҳудудий ички ишлар органлари, жиноятчиликка қарши курашиш тушунчаси, ҳуқуқий асослари, жиноий жавобгарлик, жазо турлари, жиноят қонунчилиги соҳасидаги ислоҳотлар, Конституциявий-ҳуқуқий асослари, қонун устуворлиги, ижтимоий-сиёсий ҳуқуқлар.

ABSTRACT

Мақолада экстремизм ва радикализм ғоялари тушунчалари, таҳлили, хориж тажрибаси, терроризм ғоялари билан боғлиқлиги, ички ишлар органлари тизимида экстремизм ва радикализм ғояларига қарши курашишдаги янгиликлар, экстремизм ва радикализмга қарши курашишда ички ишлар органларининг жамоатчилик билан ҳамкорлиги, экстремизм ва радикализмга қарши курашиш бўйича ички ишлар органлари тезкор бўлинмалари ходимларининг назарий ва амалий тажрибасини шакллантириш бўйича таклиф ва тавсиялар билдирилган

КИРИШ

Аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, мақсадида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида, ички ишлар органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ҳамкорлигини такомиллаштириш мақсадида, ички ишлар органлари тизимида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январдаги ПҚ-10-сон Қарори ижросини таъминлаш мақсадида, ички ишлар органлари ходимларини “Инсон қадрли учун” тамойили асосида давлатнинг юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, ўз бурчига содиқ, ватанпарвар ва халқпарвар вакили этиб тарбиялаш орқали аҳолининг чинакам розилигига эришиш,

ички ишлар органлари ходимларида хизмат вазифаларига ҳалол, виждонан, Ватан ва халқ олдидаги бурчини чин дилдан ҳис этган ҳолда, юксак масъулият билан ёндашиш, жамиятда умумэътироф этилган одоб-ахлоқ нормаларига сўзсиз амал қилиш туйғусини шакллантириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг янги қиёфасини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини халқ манфаатлари, кадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишга йўналтирилган¹.

Долзарблиги: глобаллашув ва турли таҳдид ва можароларнинг кучайиши даврида табиий ва техноген офатлар, жумладан жиноятчиликнинг ошиб кетиши, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини такомиллаштиришда алоҳида ўрин тутади. Хусусан, ички ишлар органлари тезкор-қидирув фаолиятини ислоҳ қилишга давлат даражасида алоҳида эътибор қаратилиб, Президентимиз Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида сўнгги йилларда мамлакатимизда жадал маъмурий-ҳуқуқий ислоҳотлар, жумладан ички ишлар органлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган салмоқли ишлар амалга оширилди ва улар давом этмоқда².

Муаммонинг баёни: Ички ишлар органлари тизимида амалга оширилган ислоҳотлар натижада, Ички ишлар вазирлиги терроризмга қарши курашиш хизматининг ташкилий тузилмаси ислоҳ қилинди. Терроризмга қарши курашиш хизмати тезкор бўлинмалари ва ҳудудий ички ишлар органларининг терроризмга қарши курашиш тезкор бўлинмалари ходимлари томонидан экстремизм ва радикализм ғояларига қарши ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг барвақт олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш борасидаги саъй-ҳаракатлари аниқ тақсимланган ҳолда, уларнинг функция, вазифалари мазмун-моҳияти қайта кўриб чиқилди ҳамда мамлакатимизда экстремизм ва радикализм ғояларига қарши ёшларнинг иммунитетини шакллантириш, жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлашнинг мутлақо янги механизмлари яратилиб келинмоқда.

Ушбу мақолада биз президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг ташаббусларига асосан, 2018 йилда қабул қилинган “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, уларнинг тинч-осойишта ҳаёти ва уларнинг хавфсизлиги кафолатлари тўғрисидаги нормалари талабларидан келиб чиқиб, ички ишлар органлари тизимида амалга оширилаётган маъмурий-ҳуқуқий ислоҳотлар масаласини кўриб чиқамиз ва улар фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган айрим ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қиламиз.

Тадқиқот мақсади: Ички ишлар органларининг терроризмга қарши курашиш хизматлари ҳамда жамоатчилик вакиллари билан ўзаро экстремизм ва радикализм ғояларига қарши курашиш фаолиятида ҳамкорлик, ушбу соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмуни ва моҳиятини илмий таҳлил қилиш, уларни амалга ошириш

¹ Ашуров, О. У. (2022). Интернет орқали ёшлар орасида экстремистик ғоялар тарқалишининг салбий оқибатлари. *Journal of innovations in scientific and educational research*, 5(4), 240-247.

² Ашуров, О. (2023). вояга етмаганларга нисбатан жиноий зўравонликларнинг профилактикасини такомиллаштириш!. *Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук*, 3(Special Issue), 128-132.

натижаларини баҳолаш, белгиланган вазифаларнинг мазмун-моҳияти ва амалий ижроси билан боғлиқ муҳим масалаларни ўрганиш, шунингдек, ушбу фаолиятнинг ташкилий-ҳуқуқий ва тактик асосларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот усуллари: Ички ишлар органлари фаолиятида экстремизм ва радикализм ғояларига қарши курашишда ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг маъмурий-ҳуқуқий ислохотларнинг мазмуни ва моҳиятини илмий таҳлил қилиш, уларни амалга ошириш натижаларини баҳолаш, белгиланган вазифаларнинг мазмун-моҳияти ва амалий ижроси билан боғлиқ муҳим масалаларни ўрганиш, шунингдек, ушбу фаолиятнинг ташкилий-ҳуқуқий ва тактик асосларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Глобаллашув жараёнида замонавий ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий муносабатларнинг шиддат билан ривожланиши, коммуникация ва ахборот технологияларнинг тез суръатлардаги тараққиёти ғоявий таъсир ўтказиш имкониятларининг кенгайиши, услуб ва воситаларнинг такомиллашувига туртки бўлиб, мафкуравий кураш умумбашарий миқёс касб этишига олиб келди³.

Мафкуравий хавфсизлик – шахс, миллат, жамият, давлатнинг хилма-хил шаклларда намоён бўладиган мафкуравий тажовузлар, турли мафкуравий марказларнинг бузғунчилик таъсиридан кафолатли ҳимояланганлигидир. Мафкуравий хавфсизликни таъминлаш деганда, жамият маънавий ҳаётида бўшлиқ пайдо бўлишининг олдини олиш, ўзининг пировард мақсадларига мос ва унга хизмат қиладиган ғоялар тизимини шакллантириш, уни муттасил мустаҳкамлаб бориш, фуқароларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришдек жараёнлар назарда тутилади.

Маълумки, одамзодни ҳамиша ташвишга солувчи мазкур салбий иллатларнинг илдизлари, узоқ ўтмишга бориб тақалади. Буюк аجدодларимиз уларга қарши курашда сермазмун ва пурҳикмат сўз қудратидан унумли фойдаланганлар. Маънавиятни юксалтириш, хусусан, келажагимиз бўлган ёшлар ахлоқини юксак инсоний фазилатлар билан бойитиш давримизнинг долзарб масалаларидан бирига айланди. Шу сабабли тарихимизда битилган бебаҳо меросимизни чуқурроқ ўрганиш ва уларни халқимиз эътиборига ҳавола қилиш олимларимиз олдида турган масъулиятли вазифалардандир⁴.

Қайд этилган фикрлар ҳозирги даврда инсон ҳаётида ахборот ва билимлар хилма-хиллигининг ўрни ва аҳамиятини янада чуқурроқ англашга хизмат қилади. Шу билан бирга, билимлар мафкуравий иммунитет тизимининг асосий ва биринчи унсури ҳисобланишини ҳам қайд этиш лозим. Аммо билимлар кўп. Диний экстремизм ва терроризм тарафдорлари ҳам муайян “билим”ларга таянади ва уни омма онгига

³Ашуров, О. У. (2023). Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш. *Образование наука и инновационные идеи в мире*, 25(2), 49-53.

⁴ Ашуров, О. (2024). Фирибгарлик жиноятини аниқлаш ва фош этишнинг назарий тушунчалари. *Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук*, 4(1), 61-69.

сингдиришга ҳаракат қилади. Демак, мафкуравий иммунитет тизимидаги билимлар объектив бўлиши, воқеликни тўғри ва тўлиқ акс эттириши, инсон маънавиятининг бойиши ва жамият тараққиётига хизмат қилиши лозим. Бу, бир томондан. Иккинчи томондан, бу билимлар ўз моҳият эътиборига кўра, Ватан, миллат, инсоният манфаатлари билан узвий боғлиқ бўлиши керак. Фуқароларимизнинг асл ислом ҳақида холис ва етарли билимга эга бўлишлари диний мутаассибликка қарши иммунитетни шакллантиришнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Мафкуравий иммунитет тизимини шакллантиришда ёт ғоялар кириб келишининг олдини олиш ва уларни йўқотишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини ўз ичига оладиган мафкуравий профилактиканинг ўрни катта. У ижтимоий институтлар томонидан хилма-хил шаклларда амалга ошириладиган ғоявий-тарбиявий, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий ишлар мажмуини, тўғри ташкил этилган бутун тарбия тизимини қамраб олади⁵.

Бугунги кунда мамлакатимизда миллий ғоя руҳи билан йўғирилган ана шундай тарбия тизими яратилди. Уни доимий такомиллаштириб бориш ва давр талабларига ҳозиржавоблигини таъминлаш эса, ҳар биримиз ва барчамизнинг асосий вазифамиз ҳисобланади. Шундай экан, вояга етаётган ҳар бир фарзандимизни кучли мафкуравий иммунитет ва юксак маънавиятга эга шахс сифатида тарбиялаш озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаётни таъминлашимизнинг асосий шартларидан бири бўлиб қолаверади⁶.

Дарҳақиқат, Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши мамлакатимиз маънавий тараққиётида янги давр ва ривожланиш босқичини бошлаб берди. Айниқса, миллий ва диний қадриятлар, урф-одат ва анъаналар тикланиши учун кенг имкониятлар яратилди. Мустақиллик йилларида ёш авлодни дунёвий ҳамда диний билимлар уйғунлигида, аждодлар маънавий мероси, миллий қадриятлари асосида тарбиялаш масаласига катта эътибор қаратилди. Бинобарин, эртанги кун эгалари бўлган ёшлар бугунги куннинг энг илғор дунёвий билимларини диний қадриятлар билан ҳамоҳанг тарзда пухта ўзлаштирган бўлиши ҳамда улардан амалиётда эркин фойдалана олиши масаласи бугунги кунимизнинг асосий талабларидан бирига айланди⁷.

Диний қадрият жуда кенг маънога эга бўлиб, ўз ичига миллатлараро тотувлик, ижтимоий ва диний бағрикенглик, ўзаро ҳамкорлик, олижаноблик, сахийлик каби маънавий-ахлоқий хусусиятларни қамраб олади. Айнан диний бағрикенглик, яъни ҳар бир диний таълимотга ҳурмат билан қараш, сабр-бардош ва тоқатли бўлиш ўз навбатида келиб чиқиши мумкин бўлган кўпгина ихтилофларнинг олдини олишга

⁵ Асрақулов, М. М., & Машарипов, Т. Э. (2022). Ёшлар–келажак бунёдкори. *Journal of new century innovations*, 18(5), 293-300.

⁶ Ашуров, О., & Назирхўжаев, О. (2023). Ички ишлар органлари томонидан қасддан одам ўлдириш жиноятларини фош этишда тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш самарадорлигини оширишнинг ижобий омиллари. *Евразийский журнал технологий и инноваций*, 2(1 Part 2), 205-209.

⁷ Мирсалихова, Г. (2022). Тезкор қидирув фаолиятини ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш. *Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук*, 2(11), 291-296.

хизмат қилади. Зеро, бағрикенглик руҳида тарбия топган фарзанд онгида ўзга маданиятлардан хуркиб туриш эмас, балки уларга кенгфёъллик билан қараш ва қадриятларга ҳурмат билан ёндашиш, ўзаро тушуниш инстинкти шаклланади.

Ёшлардаги миллий ўзликни англаш, диний билим ва дунёқарашни шакллантиришда ҳар бир урф-одат, маросим, анъана ва қадриятларимизнинг келиб чиқиши, асл моҳиятини очиб бера оладиган ҳам илмий, ҳам диний асосланган маълумотлардан иборат замонавий адабиётлар билан таъминлаш, маънавий-маърифий кўрсатувлар намойиш қилиш каби тадбирлар орқали ижобий натижага эришиш муҳим омиллардан саналади. Чунки бундай чора-тадбирлар маълум маънода ёшлар онгини бойитиш, ҳақиқий миллий ва диний қадриятлар билан ҳар хил бидъат-хурофот амалларни фарқлаш, турли диний оқим ва йўналишлар таъсирига, экстремистик ва террорчи гуруҳларнинг ақидасига қарши иммунитет ҳосил қилиш имконини беради. Шу нуқтаи назардан қараганда, ёшларни миллий урф-одат, анъана ва маросимларимизга ҳурмат билан қараш, уларнинг тарбиявий аҳамиятини доимий тарзда тушунтириб бориш, маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилиш ҳамда ўзлигини англашда муҳим аҳамият касб этади⁸.

Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашда кишиларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришда ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратиш билан бирга илм олиш ҳам долзарб масалалардан ҳисобланади. Илм олишнинг фазилати ҳақида юқоридаги бандларда қайд этилганидек, исломнинг асосий манбаларида алоҳида зикр этилган. Илм эгаллашда ҳар бир инсон аввало ўзлигини англаб етади. Бу эса тўғри йўлни танлашга сабаб бўлади. Илм деганда фақат диний эмас, балки дунёвий, аниқроғи инсонларга фойдаси тегадиган илм тушунилган. Хитойда бўлса ҳам илм ўрганишлар, бешиқдан қабргача илм изла деган ҳадисларни эслаб ўтиш ўринли. Ёшларнинг дунёвий ва диний билимларнинг уйғунликда холис ўрганиши уларнинг келажакда баркамол инсон бўлишига таянч бўлади. Шу боис, ёшларни аввало миллий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳаётимизнинг асосий мезонига айланиши зарур. Чунки оқилна таълим-тарбия ёшлар онгини ҳам ахлоқий маданиятини ҳам ўзгартиришига сабаб бўлади. Тарбиясиз берилган таълим ҳеч бир ерда ривожланишга олиб келмайди.

Мамлакатимизда ёшларни илм-маърифатли, турли соҳаларда етук мутахассис, жисмонан баркамол инсон бўлиб етишишга кенг шароитлар яратиб берилган экан, мазкур имкониятлардан тўла-тўқис фойдаланиш, жамият ва давлат учун фидокор шахс бўлиш ҳар бир шахснинг бурчидир. Бунинг учун эса, улар аввало, дунёвий ва касб фанларини чуқур ўзлаштириш, шунингдек, ўзбек халқининг меҳнатсеварлик, оилани муқаддас билиш, инсонларга меҳрибонлик, дўстларга садоқат, ватанпарварлик каби тарихан эъзозлаб келинаётган қадриятларини ўзида шакллантириши талаб этилади⁹.

⁸ Машарипов, Т. Э. коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш бўйича ўтказиладиган тезкор-қидирув тадбирларини ташкил этиш. 295

⁹ Ашуров, О. (2024). Фирибгарлик жиноятини аниқлаш ва фош этишнинг назарий тушунчалари!. *Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук*, 4(1), 61-69.

Зеро, ислом динида ҳам ёшларга, уларнинг таълим-тарбиясига алоҳида эътибор қаратилади. Хусусан, Куръони каримда мингдан ортиқ оятлар одоб-ахлоқ, тарбия ва илмга алоқадорлиги инсонни баркамолликка етаклайдиган мезон сифатида кўриш мумкин. Халқимиз қонига сингиб кетган диний қадриятларда фарзанд тарбиясига алоҳида эътибор қаратилиши хусусида Пайғамбар Муҳаммад (алайҳис-салом) *“Киши фарзандининг тарбияси билан ҳар кун ярим соат шуғулланиши садақа беришдан яхшироқдир”* деб таъкидлайдилар. Бундан кўриниб турибдики, ислом дини фарзанд тарбиясига ёшлигидан то улғайгунча алоҳида эътибор қаратади. Уларнинг нафақат илм олишларини, балки юксак одоб-ахлоқ соҳиби этиб тарбиялашни асосий мезон сифатида қўяди.

Умуман олганда, ёшларни бунёдкорлик руҳида тарбиялаш, беғубор қалбини олижаноблик, хайру саховат, меҳр-оқибат каби соф ва покиза туйғулар билан тўлдириш, эзгу мақсадларга сафарбар этиш, бузғунчи, зўравон, худбин, бағритош ва қаҳри қаттиқ бўлиб тарбия топишининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратиш лозим¹⁰.

Юқорида қайд этилган мулоҳазалардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, диний экстремизм ва терроризмга қарши курашда ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришда қуйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

– мустақил фикрга эга, соғлом негизда шаклланган дунёқараш ва мустақкам иродага эга шахсларни тарбиялаш, ёшлар қалби ва онгида соғлом ҳаёт тарзи, миллий ва умуммиллий қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғусини шакллантириш орқали ҳар хил бидъат-хурофот амалларни фарқлаш, турли диний оқим ва йўналишлар таъсири ҳамда ақидасига қарши иммунитет ҳосил қилиш;

– мафкуравий таҳдидларга қарши доимо сергак, огоҳ ва хушёр бўлиб яшаш, гўёки ислом динини ўргатишни ваъда қилаётган шубҳали шахслар билан мулоқот қилмаслик, ноқонуний тарзда чоп этилган ёки тайёрланган диний мазмундаги адабиёт, диск, мобил телефонлардаги материаллардан фойдаланмаслик ва олиб юрмаслик, интернет тизимида диний экстремизм, терроризм ва миссионерликни тарғиб қиладиган сайтлардан ёшларни муҳофаза қилиш;

– ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, уларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясини шакллантириш, ёшлар онгида ватанпарварлик, инсонпарварлик, меҳр-оқибат, эл-юрт шаънини ардоқлаш каби улуғвор фазилатларни камол топтиришда оила-маҳалла-таълим муассасаси ҳамкорлиги асосида иш ташкил этиш;

– бугунги ахборотлар алмашинуви жадал кечаётган вақтда диний масалаларга оид маълумотларни тўғридан тўғри қабул қилиш ва унга эътиқод қилишга шошилмасликни тавсия ва тарғиб қилиш ҳамда ахборот хуружлари асирига айланмаслик лозим;

– кишиларда диний бағрикенглик, бошқа дин вакилларига ҳурмат, ўзаро биродарлик, миллатлараро тотувлик, дўстлик туйғуларини шакллантириш, маҳалла аҳолиси ўртасида динлараро турли зиддиятларни юзага келишининг олдини олиш бўйича тушунтириш, тарғибот ишларини олиб бориш;

¹⁰ Ашуров, О. (2024). Фирибгарлик жиноятини аниқлаш ва фош этишнинг назарий тушунчалари!. *Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук*, 4(1), 61-69.

– маҳаллалардаги нотинч, ноқобил оилалар ёки диний мутаассибликка мойил шахслар билан тушунтириш ишларини олиб боришда ҳаётий тажрибага эга бўлган маҳалла фаоллари, маҳаллада обрў-эътибор қозонган кишилар, маҳаллий масжидларда фаолият юритувчи имом-хатиблар, шунингдек диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларини жалб этиш;

– аҳоли ўртасида дин ҳақида нотўғри салбий тушунча ва тасаввурлар уйғонишининг олдини олиш мақсадида ақида, ибодат ва бошқа диний масалаларга оид саволлар билан Ўзбекистон мусулмонлари идораси уламолари, уларнинг вилоятлардаги вакиллари, маҳаллий имом-хатиблар ва диний соҳа мутахассисларига мурожаат қилиш;

– диний экстремизм ва терроризм билан курашда, асосан ҳуқуқ-тартибот органларига суяниш, фақат жазо чораларини қўллаш орқали унга барҳам беришга интилиш мазкур салбий ҳодисанинг оқибати билангина курашиш деганидир¹¹. Бошқача айтганда, бундай йўлдан борилса, диний экстремизм ва терроризмни озиқлантириб турган “илдиз”лар зарарланмай қолаверади, маълум бир давр ўтиши билан улар янги “куртак”лар беришда давом этишини ҳисобга олиб, бундай манфур кучларнинг кирдикорларини фош этиш ва уларга қарши курашишда ҳар бир соҳа вакили ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиш.

ХУЛОСА

Демак, бугунги кунда бутун дунёда ахборот кураши авж олган XXI асрда дин ниқоби остидаги турли хил кўринишдаги мафкуравий хуружлардан ҳимоя этишда маънавий-маърифий тарғибот ишларининг таъсирчанлигини ошириш, ҳаётимизда содир бўлаётган ижобий ўзгаришлар ҳақидаги чуқур таҳлилий маълумотларни ёш авлодга етказиш, уларнинг ижтимоий фаоллигини кучайтириш, бунда “фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш” ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этишлиги, экстремизмни вужудга келиши ва ривожланишига таъсир этувчи омиллардан келиб чиқиб унга қарши кураш, хусусан, дастлабки тергов ҳаракатларини ўтказиш механизмларини ишлаб чиқиш, мазкур турдаги жиноятларни олдини олишга ёрдам беради. Шунингдек, ушбу турдаги жиноятларни тергов қилишнинг процессуал тартибини замон талабларидан келиб чиқиб такомиллаштириб борилмаслиги процесс иштирокчиларининг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини бузилишига, фуқароларни давлатга бўлган норозилигини кучайишига ҳамда мамлакатни халқаро майдонда имиджини тушишига олиб келиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ашуров, О. У. (2022). Интернет орқали ёшлар орасида экстремистик ғоялар тарқалишининг салбий оқибатлари. *Journal of innovations in scientific and educational research*, 5(4), 240-247.

¹¹Ашуров, О., & Тўйчиев, У. (2024). Ички ишлар органлари тезкор бўлинмалари томонидан коррупция билан боғлиқ жиноятларга қарши курашишни такомиллаштиришнинг истиқболлари. *Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук*, 4(4), 143-152.

2. Ашуров, О. (2023). вояга етмаганларга нисбатан жиноий зўравонликларнинг профилактикасини такомиллаштириш!. *Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук*, 3(Special Issue), 128-132.
3. Ашуров, О. У. (2023). Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш. *Образование наука и инновационные идеи в мире*, 25(2), 49-53.
4. Ашуров, О. (2024). Фирибгарлик жиноятини аниқлаш ва фош этишнинг назарий тушунчалари. *Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук*, 4(1), 61-69.
5. Асрақулов, М. М., & Машарипов, Т. Э. (2022). Ёшлар-келажак бунёдкори. *Journal of new century innovations*, 18(5), 293-300.
6. Мирсалихова, Г. (2022). Тезкор қидирув фаолиятини ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш. *Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук*, 2(11), 291-296.
7. Ашуров, О., & Назирхўжаев, О. (2023). Ички ишлар органлари томонидан қасддан одам ўлдириш жиноятларини фош этишда тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш самарадорлигини оширишнинг ижобий омиллари. *Евразийский журнал технологий и инноваций*, 2(1 Part 2), 205-209.
8. Машарипов, Т. Э. коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш бўйича ўтказиладиган тезкор-қидирув тадбирларини ташкил этиш. 295
9. Ашуров, О. (2024). Фирибгарлик жиноятини аниқлаш ва фош этишнинг назарий тушунчалари!. *Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук*, 4(1), 61-69.
10. Ашуров, О. (2024). Фирибгарлик жиноятини аниқлаш ва фош этишнинг назарий тушунчалари!. *Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук*, 4(1), 61-69.
11. Ашуров, О., & Тўйчиев, У. (2024). Ички ишлар органлари тезкор бўлинмалари томонидан коррупция билан боғлиқ жиноятларга қарши курашишни такомиллаштиришнинг истиқболлари. *Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук*, 4(4), 143-152.

ACADEMY